

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Педагогика факультети

“БТ ва ТАС кафедраси”

«Тасдиқлайман»
Кафедра мудири _____ П. Холматов
«_____» _____ 2007 йил
“БТ ва ТАС” кафедрасининг
____-сонли кафедра йиғилишида
кўриб чиқилган.

Ўқитувчи нутқ маданияти фанидан

Амалий дарслар ишланмаси

Амалий машғулот мавзулар (жами 20 соат)

1- амалий машғулот

Ғарб маданияти тарихида нотиқлик санъатининг ўрни. – 2 соат

Режа:

1. Қадимги дунё нотиқлик санъати.
2. Афина ва Римда нотиқликнинг кадрланиши.
3. Греция нотиқлик санъатининг энг юқори чўққисига кўтарилган буюк зотлар.
4. Рим Республикасининг машҳур нотиқлари.

Назорат учун саволлар:

1. Нотиқлик санъати дастлаб қаерда шаклланган?
2. Нотиқликнинг санъат даражасига кўтарилишига кимлар сабаб бўлган?
3. Қадимги Юнон ва Рим нотиқлиги ҳақида нималар биласиз?
4. Нотиқлик олдига қўйиладиган қандай талабларни биласиз?

Таянч тушунчалар:

Муайян мавзуда, мазмунли, ихчам, бадий етук сўзланган нутқ тингловчиларни ўзига жалб этади. Ана шу жиҳатдан нотиқлик ўзига хос бир санъатдир. Ҳозирги замон илғор нотиқлик санъати моҳиятини ўрганиш унинг ниҳоятда бой ўтиши тарихига мурожаат қилишни тақозо этади.

Нотиқлик санъати инсон фаолиятининг энг қадимги турларидан бири бўлиб, у қадимги Миср, Ассирия, Вавилон, Ҳиндистонда ҳам маълум бўлган. Лекин нотиқлик санъатининг энг гуллаб, равнақ топган жойи Грециядир. Афина ва Римда нотиқлик жуда ҳам кадрланган. Шунини айтиш кифояки, жаҳон ижтимоий тараққиётининг ҳеч бир даврида, ҳеч бир босқичига нотиқлик санъати қадимги Юнонистондаги каби катта мавқе ва касбий баркамолликка эришганича йўқ.

Асосий адабиётлар:

1. А.Алимуҳамедов. Антик адабиёт тарихи. 1969й.
2. С.Иномхўжаев. Нотиқлик санъати асослари. 1982й.
3. Л.Хўжаева. Нотиқлик санъати. 1967й.
4. Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. 1993й.

2- амалий машғулот

Шарқ маданияти тарихида нотиқлик санъатининг ўрни. 2-соат.

Режа:

1. Нотиқлик санъатининг Шарқ мамлакатларида вужудга келиши.
2. Шарқ маданияти тарихида нотиқлик санъати ва унинг ўрни.
3. Алишер Навоий даври нотиқлиги.
4. Шарқда нотиқлик санъати истеъдод эгалари.

Назорат учун саволлар:

1. Ваъз нима? Воиз деб кимларга айтилади?
2. Нотикликнинг воизликдан қандай фарқи бор?
3. Шарқ нотиклиги ҳақида нималар биласиз?
4. Нотиклар деб кимларга йатилади?

Таянч тушунчалар:

Ваъз (араб-панд-насихат). – одатда жамоат ўртасида, масжидларда сўзланадиган диний ёки насихатимиз нутқ.

Воиз – диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон, вазғўй. Насихат омуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотик. Воизни эшитимли қилувчи омиллардан бири ҳаётий ва ибратли ҳикоятлар ва байту ғазаллар билан омихта гапиришдир. Албатта, меъёрни унутмаслик лозим.

Нотик - йиғилиш, мажлис, митинг ва шу кабиларда сўзга чиқувчи шахс; сўз санъатини эгаллаган, сўзамол киши. Нотиклик санъат. Бу-исбот талаб қилмайдиган, бахсга ўрин қолдирмайдиган ҳақиқат.

Жамоатнинг ҳиссиёт ва тушунчасига таъсир этиш усули (илмий-сиёсий маъруза, бахс мунозара тарғиб ва ташвиқ табрик ва бошқалар). Нотиклик санъати мусулмон Шарқида воизлик санъати деб юритилган, Қомусий усмоний луғатда ваъз кишиларнинг қалбини юмшатадиган панд-насихатлар дейилган.

Ўрта аср фани, маданияти Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Жомий, Навоий, Бобур каби улў сиймоларнинг номлари билан боғланади.

Бу мутфаккир, шоир санъаткорлар яшаган давр Шарқ тарихида уйғониш даври деб аталади. Бу даврда маданият, санъат, илм-фан равнақ топди. Фан ва маданият тарғиботчилари-воизлар етишиб чиқди. Воизликни кадрловчи фикрлар вужудга келди.

Асосий адабиётлар:

1. С.Иномхўжаев. Ўтмиш Шарқ нотиклиги. 1972й.
2. Ҳ.Жалилов. Нотиклик санъати. 1976й.
3. А.Навоий Маҳбубул-қулуб. Мукамал тўплами, йигирма жилдлик. 44-жилд. 1988й.

3- амалий машғулот

Халқ огзаки ижодида нутқ одоби масалалари. – 2 соат.

Режа:

1. Халқ огзаки ижоди турларининг нутқ маданиятини эгаллашдаги мавқе.
2. Халқ огзаки ижоди халқнинг узоқ замонлардан яшаб келаётган жонли овози.
3. Халқ мақолларининг нутқи одоби жиҳатдан таълим тарбиявий аҳамияти.
4. Халқ огзаки ижоди намуналарида халқимизнинг тарихи, кечмиши, руҳи, ахлоқ одоби ҳақидаги фикрлари, ҳаётий тажрибаларининг акс этиши.

Назорат учун саволлар:

1. Нутқ одоби акс этган қандай мақолларни биласиз?
2. Ёшларни нутқ маданиятига даъват этувчи қандай халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни биласиз?
3. Мақолларнинг таълим тарбиявий жиҳатдан аҳамияти нимада?
4. Ўзингиз ғоявий аҳамиятга эга мақоллардан мустақил мисол келтириб унинг тўғри ва кўчма маъноларини айтиб беринг.

Таянч тушунчалар:

Халқ огзаки ижодидаги тасвирларнинг ёрқин бўлиши ва сермазмунлиги, содда тил ҳам ўткир иборалар билан тасвирланиши ўқувчи ва талабаларнинг онгларига кучли таъсир қилади. Уларнинг ўқиладиган ёки айтиладиган халқ огзаки ижоди намуналаридан завқланишига, турмуш ҳодисаларига фаол муносабатда бўлишига, мустақил ижодий фикр юритишга олиб келади. Бу жиҳатдан қараганда, нутқ одобини мадҳ қилган халқ огзаки ижодининг таълим-тарбиявий аҳамияти ғоят каттадир.

Халқ огзаки ижоди намуналаридан таълим-тарбиявий ишларида фойдаланиш ўқувчи ва талабаларни нутқ одоби нутққа ҳурмат руҳида тарбиялашдек улуғвор вазифани амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Қадимда ёшларнинг одобдаги хислатлари катталар томонидан юксак баҳоланар эди.

Кексаларнинг «баракала», «қўлларинг дард кўрмасин», «умрингдан барака топ», «ота-онанг орзу ҳавасингни кўрсин», «тупроқ олсанг олтин бўлсин» каби олқишлари кўпгина ўз одобини манзур қилган ҳар жиҳатдан одобли ёшларга нисбатан ишлатилар эди.

Нутқ одоби ҳақида ҳам кўпгина халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари бор. Улар ўқувчи ва талабаларни нутқ одобини ўрганишга даъват этади. Ана шундай халқ мақоллари, ҳикматли сўзларидан баъзи мисоллар:

1. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши.
2. Узун гапирса, қисқа гапир, кўп маъно берсин.
3. Олдин ўйла, кейин сўйла.
4. Тилга эътибор-элга эътибор.
5. Тилга эътиборсиз-элга эътиборсиз.

Мақол - қисқа, жонли сўзлашувда барқарор, нутқда ўхшаш воқеа-ҳодисаларга нисбатан кўп маънода қўлланилиши мумкин бўлган, бадий жиҳатдан уйғун шаклланган ҳикматли сўз.

Мақоллар халқнинг узоқ асрлардан бери яшаб келадиган жонли овоздир. Улар маданий бойлигимизнинг энг зўр ва қимматбаҳо қисми сифатида нутқ одоби тарбиясидаги ишларимизда муҳим курул ва манба бўлиб хизмат қилади.

Асосий адабиётлар:

1. Ш.Шомақсудов. Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. 1970й.
2. Ҳ.Ҳомидий. Ш.Абдуллаева. С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари луғати. 1970й.

3. Словарь литературоведческих терминов, редакторы-составители: Л.И.Тимофеев. И.С.Тураев. М., 1974й.

4- амалий машғул

Кайковус суҳандонлик хусусида. – 2 соат.

Режа:

1. «Қобуснома»-Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган суҳандонликка оид ахлоқий таълимий асар.
2. «Қобуснома»да илмий билимларни, эгаллаш, одоб-ахлоқ қоидалари масалалари.
3. Асарда жамият тараққиёти учун илмни биринчи ўрнига қўйиши.
4. Кайковус инсон тарбиясини замон ва келажак учун инсонни яроқли қилиб тарбиялашга қаратиши.

Назорат учун саволлар:

1. Кайковуснинг «Қобуснома» асари ҳақида нималар биласиз?
2. «Қобуснома»нинг қайси боблари нутқ маданияти масалаларига бағишланган?
3. Асарда сўзлар неча тоифага ажратилган?
4. «Қобуснома»да нутқ одоби ва маданияти ҳақида қандай ибратомуз гаплар айтилган?

Таянч тушунчалар:

«Қобуснома» - форс – тожик бадиий насрининг йирик ёдгорлиги. Табаристон (Мозандарог) ҳукмдори Шамс ал-Маолий Қобуснинг набираси Унсур ал-Маолий (Кайковус, (1082-1083йилда ёзилган) ва «Насихатномаи Кайковус» деб аталган. «Қобуснома» унинг ўзбекча таржимасидир.

Муаллиф асарни ўғли Гилоншоҳга бағишлайди. «Қобуснома» 44 бобдан иборат. Дастлабки 4 боби диний йўналишда. Унинг 6-7-боблари сўз одоби ҳақидадир. Асар муаллифининг фарзандига қилган насихатлари сифатида ёзилгандир. У фарзандини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди: «Яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилган сўз агар у яхши бўлса ҳам ёмон кўринади». «Киши суҳандон ва Нотик бўлиши лозим». Ҳар бир (нотик ўз нутқи устида кўп машқ қилиши, халқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва баъмани гапириши, халқнинг эътиборини қозониши зарур. «Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Халойиқ сенинг сўзинг билан баланд даражага эришганини билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, . . . ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади». Кайковус нотик сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак деб ўйлади.

Аниқлик ҳам чиройли нутқнинг белгиларидан саналади. Нутқнинг аниқ бўлишини таъминлаш учун ҳар бир айтиладиган ёки ёзиладиган сўзнинг маъноси тушунарли бўлиши шарт. Шарқ алломаси Кайковус бу ҳақда шундай деб ёзади: «Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билгил, уларга риоя қилгил,

сўзлаганда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг тўтига ўхшагайсан».

Асосий адабиётлар:

1. Кайковус. Қобуснома, 1994й.

5 - амалий машғулот

Алишер Навоий ижодида нутқ маданияти ва нотиқлик санъати – 2 соат.

Режа:

1. Ўзбек шоири ва мутафаккири ижодида нутқ маданиятининг ёрилиши.
2. Улуғ шоирнинг тилга муносабати.
3. Алишер Навоийнинг Нутқ маданияти ва воизларга муносабати.
4. Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» («Қўнгилларнинг севгани»), «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси», «Назм ул жавоҳир» («Гавҳарлар тизмаси») тилнинг юксалишига қўшган ҳиссалари.

Назорат учун саволлар:

1. Сўзнинг кадр-қимматини, куч-қудратини муносиб равишда юксак англашни, тушунишни кимдан ўрганамиз?
2. Сўз маданиятининг бобокалони Алишер Навоий тилга қандай баҳо берган?
3. Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва нотиқлик санъатига оид фикрларини айтинг.
4. Алишер Навоийнинг нутқ маданияти масалаларига оид қандай асарларини биласиз?

Таянч тушунчалар:

Ўтмиши фан арбоблари, хусусан шоирларимиз ўз даври нутқ маданиятига катта эътибор берганлар. Уни тобора пешлаб, равнақ топтирганларки, уларнинг тажрибаларини асосли ўрганишдан давримиз жуда манфаатдордир. Бу ҳақда гап кетганда биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг тарихий хизматлари намоён бўлади кўз олдимизда.

Шубҳасиз, сўзнинг кадр-қимматини, куч-қудратини муносиб равишда юксак англаш, тушунишни ҳам. Алишер Навоийдан ўрганамиз. Навоийнинг ёзишича, сўз шундай бир гавҳардирки, унинг қиммати ва мартабасини белгилашдан нутқ ожиздир.

Адабий ва бадиий нутқда қўлланадиган ҳар бир сўзнинг шакл ва маъносига зўр эътибор беришини ҳам Навоийдан ўрганса арзийди. Шоир сўзни жонли нарсга деб ҳис этади.

Айтилмоқчи бўлган фикрни ва гапни айтишдан олдин обдон ўйлаб, пишитволиш лозим деб сабоқ беради шоир:

Сўзни кўнгулда пишқармагунча, тилга келтирма,

Ва ҳар не ким, кўнгилда бор, тилга сирма.

Бу – нутқ маданиятининг жуда муҳим қоидаларидандир.

Ҳар бир кишининг ўз нутқиға нисбатан юксак талабчанлик ва масъулият билан қараши ҳам нутқ маданиятининг муҳим қоидаларидан. Мана шу хусусида Навоий дарси:

Тилға ихтиёрсиз-элға эътиборсиз, Навоий тилни қадрлайди. Тилға инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи муҳим ҳодиса деб қарайди.

Алишер Навоийнинг ўзбекча адабий тили, нутқ маданияти ҳақида айтган қимматли гапларидир.

Асосий адабиётлар:

1. “Маҳбуб ул-қулуб”. Асарлар, 15 томлик, 13-том, 1966.
2. “Муҳокамат ул-луғотайн”. Асарлар, 15 томлик, 14-том. 1967.
3. “Назм ул жавоҳир”. Асарлар, 15 томлик, 16-том, 1968.

6 - амалий машғулот

Абдулла Авлони, Абдурауф Фитрат ва Абдулла Қодирий асарларида нотиклик миллий муомала масалалари. – 2 соат.

Режа:

1. Абдулла Авлониининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” ахлоқий-таълимий китобида миллий тил ҳақида.
2. Абдурауф Фитратнинг ўзбек тили ва адабиётининг назарий методологик масалаларига оид фикрлар хусусида.
3. Абдулла Қодирий асарларида миллий муомала масалалари.
4. Авлони, Фитрат ва Қодирий асарларида ахлоқ ҳақидаги фикрлар ва тарбия аҳамиятининг алоҳида таъкидланиши.

Назорат учун саволлар:

1. “Ҳифзи лисон” деб нимага айтилади?
2. Авлониининг миллий тилни саклаш масаласидаги фикрлари.
3. Нутқ нимаси билан фарқ қилади?
4. Нутқ услублари деганда нимани англайсиз?
5. Тил системаси деганда нималарни тушунасиз?

Таянч тушунчалар:

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлони педагогик фикр фаолиятига салмоқли ҳисса қўшган, ўз асарларида ўзбек халқининг энг яхши анъаналарини, таълим-тарбияга оид муҳим ҳаётий масалаларни акс эттирган педагог олимдир.

Абдулла авлони 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида дунёга келган.

Адиб ижоди ва педагогик фаолияти камол топиб, гуллаб турган бир пайтда 1934 йилнинг 25 августида вафот этган.

Абдулла Авлони адабий ва илмий мероси ниҳоятда бой бўлиб, педагогик ва бошқа соҳаларни қамраб олади.

“Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби асарларида ўзининг таълим-тарбия борасидаги фикрларини баён қилади. Унинг асарлари орасида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913) асари алоҳида ўринни эгаллайди. Адиб илмнинг жамият тараққиётидаги мавқеини яхши тушунади.

Авлонийнинг илмни амалда қўллаш ҳақидаги фикри ҳозирги даврда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

Абдулла Авлоний таълим-тарбия хусусида миллий тил ҳақидаги “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур”, - деган фикри диққатга сазовордир. Авлоний сўзлашув одобига ҳам алоҳида эътибор беради. У сўзнинг инсон қадри-қиммати белгилашдаги аҳамиятини таъкидлаб, сўзнинг маъносига алоҳида диққат қилади. Адиб ёшларни ҳар бир сўзни ўйлаб, ўз ўрнида, меъёрида қўллашга, нутқнинг гўзал ва маъноли бўлишига эришишга, керак бўлганда, сўзлашдаг ўзини тийишга даъват этади.

Абдулла авлонийнинг фикрича, ёшлар фақат илм-ҳунар эгаллаш билан чегараланиб қолмасдан, ҳаётда одамлар билан мулоқотда, ўзаро муомалада ахлоқ меъёрларига риоя қилиши керак. Авлоний камтарликни инсонийликнинг бир нишонаси деб билади, ёшларни ҳаётда камтар бўлишга, кибр-ҳавога берилмасликка ундайди.

Абдулла Авлоний ёшларни муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Унинг таъкидлашича, Ватан онадек муқаддас. Инсон одобини ҳаё ва ифбатсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

“туркий Гулистон”да муаллиф ёш китобхонни инсоний фазилатларни эгаллашга даъват этади. Муаллиф ўз миллатининг ва она тилисининг жонкуяри сифатида ёш китобхонни тилни асрашга, уни бошқа тиллар сўзлари билан булғамасликка ундайди. Бироқ бу бошқа тилларни ўрганишга қарши эмас.

Авлоний она тилини “қадрдоним”, “раҳмоним”, “шоним”, “адиб”, “муаллим”, “илтифоти руҳим”, деб қалбида энг юксак таърифлари билан мадҳ этади.

Хулоса қилиб айтганда, абдулла Авлоний тил, сўз, таълим-тарбиянинг барча муҳим жабҳалари ҳақида фикр юритади.

Абдулла Қодирий (1894 йил 10 апрел – 1940 йил) тилшунос олим, забардаст таржимон сифатида ҳам катта ишлар қилди. Абдулла Қодирий ижодига халқ меҳрининг чеки йўқ. Унинг ижоди ўзбек кишилари, ёш қаламкашларнинг камолотида муҳим тарбиявий курул-мактаб бўлиб қолди.

Фитрат (тахаллуси; исми ва фамилияси Абдурауф Абдурахим ўғли, 1886, Бухоро – 1937, Тошкент) – ўзбек ёзувчиси ва олими.

Фитрат ўзбек тил ва адабиётининг назарий, методологик масалаларига оид қатор асарлар ёзган.

Нутқ услублари алоқанинг мақсадга мувофиқ амалга ошуви йўлида сўзловчининг тил бойликларидан танлаб фойдаланиши сўзловчининг тил бойликларидан танлаб фойдаланиши туфайли нутқнинг шаклланга кўринишидир.

Услубшуносликка бағишланган асарларда нутқнинг қуйидагича услублари кўрсатилади. 1.Сўзлашув услуби. 2.Расмий услуб. 3. Илмий услуб. 4. Публицистик услуб. 5. Бадий услуб.

Нутқ безаклари. Нутқ безаклари нутқни ифодали, жозибали ва таъсирчан қилади. Нутқнинг қиммати оширадиган воситалар: мақол, матал, муболаға, кичрайтириш, ўхшатиш, сифатлаш, киноя жонлаштириш ва ҳ.к. Улар фикрни

ниҳоятда сиқик ва ёрқин ифодалайди, ҳодисаларни тингловчи кўз олдида бутун мураккаблиги билан намоён этади.

Асосий адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. 1967 йил.
2. М.Маҳсумов. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти. 1966 йил.
3. И.Султон. Абдулла Қодирий. Ўзбек адабиёти тарихи очерки. 2-жилд. 1962.
4. Фитрат. Ўзбек энциклопедияси, 12-жилд, 1979 йил, 119 бет.

7-амалий машғулот

Бадий асарда нутқ маданияти масалалари: Абдулла Қаххорнинг сўз танлаш маҳорати (нутқнинг алоқавий сифатлари) - 2 соат.

Режа:

1. Абдулла Қаххор тили маданияти ҳақида.
2. Абдулла Қаххор. Тил ҳақида нутқ.
3. Халқ тилининг матбуот, бадий адабиёт туфайли сайқал топиши.
4. Адиблар тил маданиятимиз машғали.

Назорат учун саволлар:

1. Нутқ услублари, асосан, неча кўринишга эга?
2. Ҳар бир нутқ услубини белгилайдиган хусусиятлари ҳақида гапиринг.
3. Адабий нормага таъриф беринг ва унга хос хусусиятларини сананг.
4. Абдулла Қаххорнинг тил маданиятига, умуман тилга муносабати неча йўналишда кўринади?

Таянч тушунчалар:

Абдулла Қаххор (1907 йил 17 сентябр Қўқон – 1968 йил 25 май, Москва, Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн этилган).

Сўнгги йиллар мобайнида тил маданияти масаласи кўплаб муҳокама, мунозараларга сабаб бўлди ва умумий тилшунослигимизда ўрганилиш муҳим муаммо бўлган. Соҳа тарзида шаклланади ва ривожланиб бормоқда.

Тил маданияти юзасидан бир мунча аниқ ишларга амалга оширилади, илмий мақолалар юзага келади. Шунча қарамай, ҳануз бу муаммо асослари етарлича очилмай қолмоқда. Бу – тил маданияти масаласининг кенг кўлами, ўз моҳиятига кўра ҳам анча мураккаб ҳодиса эканлигидан далолат беради. Тил маданияти тўғрисида тортишувлар моҳиятига кириб борсак шу нарса маълум бўладики, у илгари ҳам ҳозирги даражада бўлмасада, бошқа шаклларда намоён бўлган. Дастлаб “тил одоби”, “адабий тил учун кураш” ёки “ўзбек адабий тили таркибини такомиллаштириш учун кураш” ҳолида кўрилган.

Биз ушбу ўринда, юқоридаги фикр асосида, сўз устаси адиб Абдулла Қаххорнинг тилга, нутқ маданиятига муносабати ҳақида фикр юритамиз.

Абдулла Қаххор ўзбек тили маданияти учун курашчи, тилга эстетика ва этика нуқтаи назаридан қаровчи тил жонкуярларидандир, у “фикрни англатиш ёки бирор нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган очик, раво ва содда тил керак,” – деб ёзади. У тилимизда баъзи нотўғри кўринишларни, сийқа ва тубан нутқни, нуқул ноёб сўзлар йиғиндиси –

“топишмоқ нутқ”ни, қўйингчи, тилда халқ оммаси учун тушунарсиз ҳар қандай кўринишни қаттиқ танқид қиладию А.Қаххорнинг тил маданиятига, умуман тилга муносабати масаласи тахминан қуйидаги уч йўналишда кўринади.

Биринчидан, мақола ва суҳбатларида, айрим қайдларида тил ҳақидаги фикрлари бўлиб, булар ёзувчининг турли йиллардаги фаолияти натижасидир.

Иккинчидан, ўз асарлари орқали тил маданияти масаласини оммалаштиради. Бу адибнинг айрим асарларида аниқ кўриниб туради.

Учинчи йўналиш – ёзувчи асарларидаги бадиий тилидир.

Абдулла Қаххорнинг тилга муносабати 1929 йилда эълон қилинган “Ҳозирги сатирамиз устида”, “Кулгичилик баҳслари” каби мақолаларида кўринади. Бу мақолларда, адиб сўзга бефарқ муомалада бўлишни танқид остига олади.

А.Қаххорнинг тилнинг мустақил адабий тил бўлиб шаклланиши учун, биринчи навбатда, халқ тилига асосланиш лозимлигини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ҳам тилимизнинг халқ ҳаётига боғлиқ фазилатларига айниқса жиддий-эътибор қилган.

Ёзувчи А.П.Чехов ҳақида ёзган “Устод” (1960) мақоласида нутққа қисқалик, сўзни исроф қилмасдик ҳақида гапириб, кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак, дейди.

Ёзувчи, кўпроқ, ижодкорларнинг тилни мукаммал билишлари ва тил маданиятига риоя қилишлари хусусида қайғуради. 1946 йил Ёзувчилар уюшмасида сўзлаган нутқи матнида шундай гапларни учратами: “Бу қандок гапки, ёзувчи, болаларнинг иккинчи муаллими бўлган ёзувчи чаласавод, жумла тузолмайди. Ёзувчи бўла тури б ўзбек сўзларининг маъносини билмайди, сўзни ўз ўрнида ишлатмайди.

Дунёда қалб ҳарорати билан жон киргазилмаган нутқ – ўлик нутқдан совуқроқ нарса бормикан!”

Бу ёзувчининг тилга ахлоқий-эстетик муносабатининг ёрқин намунасидир. Ҳикматли сўз янғлиғ бу сўзлар билан ёзувчи ҳақиқатни, тилга халқ муносабатларини айтса, кейинроқ, бу “совуқ нутқ” сабабларини изоҳлайди.

Асосий адабиётлар:

1. Абдулла Қаххор. Асарлар. 6 томлик. 1-том. 1967й.
2. Абдулла Қаххор. Асарлар. 6 томлик. 6-том. 1969й.
3. Абдулла Қаххор. Асарлар. 6-томлик. 5-том. 1968й.
4. Т.Тошев. А.Қаххор тил маданияти ҳақида. “Ўзбек тил ва адабиёти” журнали. 1983й.№6, 35-38 б.

8 – амалий машғулот.

Нутқ маданиятини эгаллаш йўллари. Оммавий ахборот воситаларининг тил хусусиятлари - 2 соат

Режа:

1. Нутқ маданиятини ошириш ҳақида.
2. Нутқ маданиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш йўллари.

3. Нутқ маданиятининг шаклланишида, бойишида сўз санъаткорларининг хизмати.

4. Сўз, нутқ – олимнинг, ёзувчининг, журналистнинг бошқ қуроли.

Назорат учун саволлар:

1. Қандай нутқни биз аниқ нутқ деймиз?
2. Нутқнинг мантикийлиги деганда нимани тушунаси?
3. Нутқнинг тозаллиги деганда нимани тушунаси?
4. Нутқнинг таъсирчалиги деганда нимани тушунаси?

Таянч тушунчалар:

Маълумки, нутқ маданияти сўз бирикмаларини ўз ўрнида ишлатиш, жумлаларни грамматик жиҳатдан адабий тил меъёрларига амал қилинган ҳолда тузиш, фикрни лўнда, ихчам шаклда баён этишини кўзда тутди.

“Ўқитувчи нутқ маданияти” курсининг амалий машғулотида талабаларни аввало адабий меъёрнинг кўринишлари бузилиш ҳолатларини таҳлил этишга ўргатиш лозим. Таҳлил ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши мумкин.

Таҳлилнинг ёзма турида талабаларга ўқилган бадиий асар, газета-журналлар, радио ва телевидение нутқидаги адабий меъёр бузилганлигига мисоллар топиб келиб олдиндан мустақил иш тарзида топширилади ва бу топшириқнинг бажарилиши амалий машғулотларда таҳлил қилинади.

Бунда, шунингдек, “Мен севган адиб”, “Мустақил фикрлаш – давр талаби”, “Талабанинг бўш вақти” каби мавзуларда ёзма ишлар ёзиш топширигини бериш ва талабалар бир-бирларининг юажарган ёзма ишларини текшириб, улардги нутқий ҳолатларни топишни ҳам машқ қилдириш лозим.

Таҳлилнинг оғзаки тури эса нутқда орфографик меъёр бузилганлигини аниқлашдан иборат бўлиши мумкин.

Тилшунослар эълон қилган илмий маҳсулотлари билан қаноатланиб қолмай, ҳаётга фаол аралашувлари керак. Сўзлаш маданияти соҳасида рўй бераётган нуқсонларни диққат билан кузатиб, ҳозиржавоблик билан тузатиб туришлари лозим. Масалага фаол аралашувнинг етишмаслиги сабабли кўнгилсиз далиларнинг содир бўлиши одат тусига кираётир.

Нутқ маданиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш учун, бизнингча, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар тўғританланган, аниқ ўз ўрнида, ниҳоят чиройли бўлиши даркор. Ана шу шартлардан биронтаси бузилган тақдирда, сўз бирикмалари ўртасидаги мутаносиблик, уйғунлик йўқолади ва оқибатда мазмун ҳалал етади. Масалан: шоирлардан бири ёрга мурожат қилиб: “Порлар эди кўзларингда ишқ ҳикояси”-дейди. Келтирилган жумлада керак сўз танланмагани кўриниб турибди.

Нутқ маданиятининг шаклланишида, бойишида сўз санъаткорининг хизмати катта. Ҳамза шеърияти ва пьесаларида қўлланган, ҳар бири мўлжалга беҳато бориб тегадиган сўзлар, таъбирлар ҳамон халқ оғзаки ижодидан тушмайди. Айний, Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ғ.Ғулом ишлатган “етти ўлчаб бир кесилган” қўшма гаплар кишилармиза катта эстетик завқ бағишлайди. Заббардаст санъаткор Абдулла Қаҳҳор “Юринг, ошна, чўл қувлаймиз” номли

очеркида янги ерларни ўзлаштиришга белбоғлаган қишлоқ хўжалик ходимларини биринчи мартта “чўлқуварлар” деб айтади, эндиликда бу сўз халқ мулкига айланиб кетди.

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. 1973 й.
2. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Нутқ маданияти ва услубият асослари. 1992 й.
3. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6-томлик. 1-том. 1967 й.
4. Актуальные проблемы культуры речи. М. 1973.

9-амалий машғулот

Нуткий этикетини ўрганиш юзасидан амалий машғулот – 2 соат.

Режа:

1. Талабаларда хушмуомалаликни тарбиялашнинг йўли ва воситалари.
2. Муомалада ўзини тута билиш одоби.
3. Талабаларни “сизлашиш”, “саломлашиш”га одатлантиришнинг услуби ва воситалари.
4. Нутқ одоби.

Назорат учун саволлар:

1. Нуткий этикет нима?
2. Ўзбек тилида мурожаат, диққатини тортиш, суҳбатдош фикрига қўшилиш ва эътирозни ифодалаш.
3. Нутқ нафосати деб нимага айтилади?
4. Ахлоқнинг қандай қўринишлари бор?

Таянч тушунчалар:

Адаб(а) ўзбек тилида ҳуқ-ахлоқ маъносини англатувчи сўз. Жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш, тарбия ва унинг қонун қоидалари.

Муомала-муносабат. Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини.

Нуткий этикет – сўзлашув (муомала) маданияти одамларга билдиражак муносабатларнинг ташқи қўринишига хос ҳуқ-атвор қоидалари йиғиндиси, яъни барча учун мажбурий бўлган нутқ фаолиятига оид қоидалардир.

Хушмуомалалик – ўзбек халқи қадимда катта эътибор бериб келган одоблилик қўринишларидандир.

Хушмуомалаликнинг жуда кўп қўринишлари аниқ шаклга кириб, одат тусини олган, халқимизнинг фикри қўллаб-қувватлаётган аниқ қоидалари бўлиб келган ва бу қоидалар кишиларнинг кундалик турмушида доимо амал қилиб келинган ва келинмоқда.

Муомалада ўзини тута билиш одоби кишиларнинг бир-бирлари билан доимий муомаласида ўзини нечоғлик баъмани одобли тута олиш меъёрлари, халқимиз томонидан риоя қилиб келинган ҳамда ҳар доим жамоатчилик томонидан талаб этган асосий одоб меъёрлари жумласидандир.

Авлоддан-авлодга ўтиб, давом этиб келаётган бу асосий одоб меъёрлари жумласига кишининг ҳатти-ҳаракати, ҳулқидаги, муомала ва муносабатидаги бутун одоб қоидалари киради. Чунки кишининг у ёки бу ҳолатдаги қилган муомиласи бошқалар билан муносабатда ўзининг нечоғлик баъмани, содда, сипо тутишга қараб, унинг одобли эканини аниқлаш мумкин.

Кишининг ширинсўзлиги аввало, уни бошқаларга “сиз”лаб мурожат қилишида, “сизлашиб” сўзлашувида кўринади, сизлашиб мурожаат этиш кишининг кишига ҳурмати, эҳтироми саналади.

Ўзбек халқида саломлашиш жуда қадим замонлардан давом этиб келаётир. Саломлашиш кишиларнинг бир-бирига бўлган иззат-ҳурматини ифодаловси энг юксак инсоний фазилатлардан бири сифатида бизгача етиб келган.

Нутқ одоби содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламаликни қоралаш кабилардир.

Камтарлик – кишилар билан бўлган муносабатда ижтимоий ва шахсий ҳаётда, юриш-туришда ва ташқи кўринишида, киши ўзини бошқалардан нечоғлик содда, сипо, баъмани тутиш демакдир. Ўзбек мутафакирлари, олим ва шоирлари ижодида камтарликка алоҳида эътибор берилган.

Асосий адабиётлар:

1. Х.Алиқулов. Шарқ мутафакирлари ахлоқ ҳақида. 1979.
2. Сафо Очил. Инсон зийнати одобдур. 1996.
3. У.Маҳкамов. ахлоқ-одоб сабоқлари. 1994.
4. М.Маҳкамова, Л.Нурмухамедова. Мулоқот одоби. 2001.

10-амалий машғулот

Ёзма нутқ маданияти. Ўзбек тилида иш юритиш - 2 соат.

Режа:

1. Тил – миллий маданият кўзгуси.
2. Адабий тил нутқ маданиятини ривожлантириш муҳим ва зарур масала.
3. Тил – миллатнинг бебаҳо мулки.
4. Ёзма нутқни ўстиришда бадий асарнинг роли.

Назорат учун саволлар:

1. Миллий тил нима?
2. Тилга Давлат тили мақомини бериш нимани англатади?
3. Давлат тилида иш юритишни ўрганишдан мақсад нима?
4. Хужжат турлари ва хусусиятлари ҳақида сўзланг?

Таянч тушунчалар:

Ҳозирги вақтда оғзаки ва ёзма нутқнинг маъноли, равон бўлишига эриши катта аҳамиятга моликдир. Чунки “Аниқлик, равшанлик – нутқнинг бош фазилатидир” (Аристотель).

Тил – миллий маънавият ва маданият кўзгуси. Тил – миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. Миллатнинг бирлиги ва борлигини бош белгиси – тилдир.

Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум қонун-қоидага солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шаклидир.

Тил – ўзгарувчан ижтимоий ҳодиса, унинг меъёрлари ҳам адабий барқарор бўлмай, тилнинг (адабий тил) тараққиёти билан ўзгариб боради. Нутқ маданияти адабий тилнинг меъёрларини пухта эгаллаш ва улардан нутқда фойдаланиш лаёқати даражаси демакдир.

Миллий тил – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ўлмас мулкидир. Ўзлигимизни англаб, тилимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизни ҳурмат қилишга ўрганайлик. Бугун миллий ҳаётимиз, миллий борлиғимизнинг барча қирраларига эътибор бермоқ даври, шулардан бири – миллий тилимизнинг софлиги хусусида мулоҳазалар қилиш кўпгина долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Талабаларнинг сўз бойлигини оширувчи восита, бу бадиий асарни мутолаа қилишдир. Бу ўз навбатида она тили дарслари самарадорлигини оширишда кўмаклашади. Ёзма нутқ кўрув аъзолари орқали қабул қилинади.

Талаба нутқини ўстиришдаги муҳим омиллардан бири умум бўлиб радиотинглаш, бадиий сўз усталари ҳақида етук суҳандонларнинг магнит лентасига ёзилган сўзларини тинглашдир. Сўнгра йирик бадиий асарларни ўқишга киришилгани маъқул. Ваҳоланки, кўпгина талабаларнинг ёзган ёзма ишларнинг тили равон эмас, қуруқ ва умумий гаплардан иборат бўлиб қолаётир.

Шуни унутмаслик керакки, тилга, нутққа эътибор – элга эътибор белгиси эканлиги давримизнинг, жамиятимизнинг ҳаётий талабларидан келиб чиқадиган қонуний ҳодисадир. Зотан, тил-маданият, тафаккур қуроли, сўз – гавҳар саналади.

Нутқнинг равон бўлиши, сўзни ўз шрида қўллаш, ёзиш ҳамманинг ажойиб бурчидир.

Асосий адабиётлар:

1. Р.Каримов. Тил миллатнинг бебаҳо мулкидир. 2001 й.
2. А.Ҳусанов., Ў.Шарипова. Ўқитувчининг нутқ маданияти. 2002 й.
3. Н.Маҳмудов., А.Мадвалиев., Н.Маҳкамов., М.Аминов. Ўзбек тилида иш юритиш (муншаот). 1990 й.
4. Н.Маҳмудов., А.Рафиев., И.Юлдашев. Давлат тилида иш юритиш. 2003.